*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

№ 10 (377)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz

| Mart | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| S. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ch. | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| P. | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| J. | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Sh. | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Y. | 6 | 13 | 20 | 27 | |

2005




E'TIROF

**Мустақилликдан сўнг жамиятнинг фаол аъзоси бўлган аёлларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром тубдан ўзгарди. Бугун аёлларни ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида учратиш мумкин. Аёлнинг оилада, жамиятда тутган мавқеи янада кўтарилиб, соғлом онадан соғлом бола шиорига давлат даражасидаги муҳим масала сифатида қарала бошланди. Бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди. Биргина мисол, ўтган йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган Парламент сайловларида сиёсий партиялардан қўйилган номзодларнинг 30 фоизини аёллар ташкил этиши қонун билан белгилаб қўйилди. Шунинг ўзи ҳам парламентдан аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига шароит яратди. Аввалги парламент сайловларида депутат аёлларнинг сони 4-5 фоиз атрофида бўлгани ҳолда, бу сайловларда қонунчилик палатаси депутатларининг қарийб 18 фоизини аёллар ташкил этди.**

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга — юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадлари акс этган. Фармон ижросига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари хотин-қизлар фаоллигига эътибор қаратиб, қўмита ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилма эканлигини айтиб ўтди.

2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши аёлларга бўлган эътиборни яна бир карра оширишга хизмат қилиши, шубҳасиздир. Соғлом аёлгина соғлом фарзандни дунёга келтиради. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги ҳукумат қарорида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим саккизта йўналишнинг бирида, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилани соғломлаштириш масалалари ўрин олган. Мазкур дастур доирасида Андижон, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Наманган вилоятлари марказий туман касалхоналарининг туғруқ бўлимларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, аёллар соғлиғини кўрикдан ўтказиш мақсадлари акс этган. Шунингдек, дастурда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитасига «Чақалоқлар ва болалар ўлимини янада камайтириш» миллий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси юклатилган. ЮНИСЕФ ташкилоти бу масалада кўмакчи вазифасини ўтайди. Дастурда аёллар саломатлигини доимий кўрикдан ўтказиш, уларнинг дам олишларини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Президентимизнинг 1999 йилда эълон қилинган «Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кўтаришга хизмат қилди. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият ва спорт йўналиши бўйича иқтидори, зукколиги билан тенгдошлари орасида тан олинган қизлар кўп эканлиги намоён бўлди. Қисқа даврда 56 нафар қизлар ана шундай юксак мукофот соҳиби бўлдилар.

Аёлларнинг фаоллиги ҳукумат эътиборида. Эътиборга лойиқ хотин-қизлар бундан кейин ҳам оиланинг, фарзандларнинг, юртнинг фахрига сазовор бўлаверади. Хотин-қизларга кўрсатилаётган бундай эҳтиром, ҳар қандай хорижлик аёлнинг ҳам ҳавасини келтирмай қолмайди. Жаннатмакон диёримизнинг энг гўзал аёллари ана шундай эъзоз ва эҳтиромга муносибдир.

**Эрмат МЕЛОНОВ,**
**Сариосиё туман прокурори**

*Бу ёруғ дунёда*
*Ватан биттадир,*
*Биттадир дунёда*
*она деган ном.*

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

## АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ

Уйғониш ва тозариш фаслининг илк байрами муҳтарам аёлларимизга бағишланишида ажиб ҳикмат бор. Кўклам бутун сепини ёйганда келинчакдай гўзал, тароватли бўлиб кетади, инсон зоти борки, ўзини қайта туғилгандай ҳис қилади гўё. Аёлларимиз эса том маънода гўзаллик, поклик ва тиниқлик тимсоли. Шундан-да, баҳорий гўзаллик байрами хотин-қизларимиз туфайли улуғворлик ва тантанаворлик касб этади.

Уларга аталган кўпдан-кўп тадбирлар, анвойи гуллар, юракдан чиққан эзгу тилаклар — бари-бариси чексиз ҳурматимиз ва эҳтиромимиз рамзи. Зеро, аёлларимиз ҳар қанча эътибор ва эъзозга муносибдир. Юртимизда уларга бўлган ҳурмат ҳамма нарсадан устун қўйилади. Аёлини авайлаб-асраган, эъзозлаган юрт эса ҳамиша ғолиб ва қудратли бўлади. Халқимиз буюклигининг рамзи бу.

Аёлни энг аввало, улуғ зот — она, фидойи инсон деб алқаймиз. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Республика Бош прокуратурасида ўтказилган тантанали тадбирда Бош прокурор ўринбосари Пўлат Бобожонов барча аёлларимизни байрам билан прокуратура раҳбарияти номидан табриклар экан, ана шундай фидойи хотин-қизлар прокуратура органларида ҳам меҳнат қилиб келаётганлигини таъкидлади. Улар қонун устуворлигини таъминлашдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳалол ва фидойи меҳнати билан қадр топган, давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳуқуқшунос аёлларимиз ҳам талайгина. Мустақиллик йилларида прокуратура органларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлардан 24 нафари ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати туфайли эл-юрт эътиборига сазовор бўлиб, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Байрам тадбирида аёлларимиз шаънига ҳароратли тилаклар, ёниқ дил сўзлари айтилди. Биз ҳам меҳр-мурувватнинг, моддий ва маънавий қувватнинг туганмас булоғи — мунис ва меҳрибон онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни гўзаллик ва баҳор байрами билан чин юракдан қутлаб, бахтимизга ҳар доим соғ-омон, бахтли-тахтли, толеи баланд бўлишини тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз**

# Самарқандлик сенатор аёл

***Аёллар ардоқ топаётган юртимизда тинимсиз меҳнати, интилиши билан эл эҳтиромига сазовор бўлаётган хотин-қизлар кўплаб топилади. Мухбиримизнинг ана шундай ўзлигини намоён этаолган аёллардан бири — Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамротош Шодиева билан бўлган мулоқоти сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.***

***— Ҳамротош опа, аввало фаолиятингиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.***

— Меҳнат фаолиятимни оддий мураббийликдан бошлаганман. Республика рус тили ва адабиёти институтини 1977 йилда тугатгач, ўзим таҳсил олган мактабга тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинландим. Кейинчалик Каттақўрғон шаҳар ёшларига етакчилик қилдим. Зиммамга шаҳардаги 38-ҳунар-техника билим юртини оёққа турғазишдек масъулиятли вазифа топширилгач, бор кучим билан ишончни оқлашга киришдим. 1982 йилдан шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, 1995 йилдан ҳозиргача Акмал Икрамов номидаги Каттақўрғон шаҳар педагогика коллежи директори вазифасида ишлаб келаяпман.

***— Мамлакатимизда илк бор ўтказилган икки палатали парламентга сайловлар шахсан сизда қандай таассурот қолдирди?***

— Қадим-қадимдан адолатли ҳокимият, одил ҳукмдор ҳақидаги орзулар билан ҳамоҳанг муаммолар сайловлар орқали ҳал этиб келинган. Бироқ, расмана чақириқлар билан бундай ноёб мақсадларга эришиб бўлмайди. Хулосага келишдан олдин ҳаётимда из қолдирган бир воқеани эсламоқчиман.

1988 йили кўпчилик қатори менинг ҳам номзодим собиқ СССР халқ депутатлигига қўйилганди. Тўртта туман ҳудудида кечган учрашувлар, сайловчилар билан юзма-юз савол-жавоблар жудаям самарали якунланган эди. Шу боисдан энг кўп овоз тўплашимга имоним комил бўлиб қолганди. Бюллетенга исм-шарифимиз қайд этилиб, тарқатилиши қолганда, мени «горком»нинг 1-котиби чақириб қолди. Котиб «обком»га бориб номзодимни қайтиб олишим лозимлигини ўтиниб сўради. Дабдурустдан масаланинг бундай кўндаланг қўйилиши мени ажаблантирарди. «Нега энди, сабабини билсам бўладими?» дейман ахийри ботиниб. «Сизнинг ўрнингизга сут соғувчининг номзоди ўтиши керак экан». Мен сайловчилар ишончини қозониб, юзага чиқсам-у, бюллетенга сут соғувчининг фамилияси киритилса! Бу қандай ноҳақлик? «Горком» секретари кўнглимдан кечаётган фикрларни ҳис этиб, дангалига кўчиб қўя қолди «Агар мени шу лавозимда қолиб ишлашимни хоҳласангиз, юқорининг топшириғини бугуноқ ижро этасиз». Кейинчалик билсам, менга ўхшаб ўз илдизига ўзи болта уришга мажбур бўлганлар анча экан...

Юртимизда яқинда ўтган сайловлар жаҳон андозасидаги демократик сайловлар даражасида бўлди. Сайлов кампанияси даврида наинки номзодлар, балки фуқароларнинг ҳар бири ўз овозига эга эканлигини теран ҳис қилишди деб ўйлайман.

***— Шу йилнинг 27 январида Тошкентда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтганди. Ундан олган таассуротларингиз ҳақида ҳам...***

— Ўша куни эрталаб рўйхатдан ўтиб, «Мустақиллик» майдонида янгидан қурилган муҳташам Сенат биносига бирин-кетин кириб бордик. Бино деворларидаги ўзбек баҳори акс эттирилган манзаралар, шифтдаги ёрқин булутлар акси мени тамоман ром этиб қўйди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша дамда энг аввало эшик ёнида дуога қўл очиб қолган 82 ёшли волидам, фарзандимни эсладим. Катта-кичик қувончу муаммоларини етказишга ошиқаётган соддадил маҳалладошларим, ориятли сайловчиларим кўз олдимдан ўтаверди.

Мен Ўзбекистон Қаҳрамони, Эркин Воҳидов етакчилик қилаётган «Фан, маданият, ижтимоий масалалар қўмитаси» таркибида фаолият юритадиган бўлдим. Албатта, соҳага доир масалаларнинг ўрганилиши, тегишли қонунларнинг таҳлил қилинишида ўз фикрим, нуқтаи назарим бор.

***— Агар сир бўлмаса, ўша фикрларингизни баҳам кўрсак.***

— Албатта, барча муаммолар ҳамжиҳатлик асосида ҳал этилади. Масалан, газ пасайиб кетган совуқ кунларда, чироқ бир ёниб, бир ўчиб қолаётган чоғларда кўп қатори мен ҳам даврга хос бўлмаган муаммоларни бошдан кечиряпман.

Шаҳримизда 5 та турли йўналишдаги коллежнинг муҳташам бинолари қад кўтарган. Аммо, уларга ўқиш ниятида қатнаётган ёшларнинг савияси қандай? Йўл кира, кийим-кечак ва вақтида овқатланишга етарли иқтисодий манба мавжудми? Бу ҳам алоҳида ўрганишга арзигулик масала.

Яна баъзи муаммолар бор. Кўпгина ўғлонларимиз ва ҳатто хотин-қизларимиз қўшни мамлакатларга даромад топиш илинжида кетишяпти. Уларнинг оиласи, бола-чақасини назорат қилиш, ҳақ-ҳуқуқини тўла-тўкис англаб олиши учун фуқаролар, айниқса аёллар орасида қандай тадбирлар ўтказган маъқул ва ҳоказо.

***— Байрам тилакларингиз...***

— Ҳар қайси аёлни бир ардоқли оиланинг севимли соҳибаси бўлишга интилишини хоҳлайман. Токи эркакларимиз биздан фақат юпанч эмас, илҳомига куч, маънавий ва ақлий қобилиятига икки карра етишувчи қудрат ахтариб яшасин. Қадр-қимматини юксак тутиш, гўзал ва мафтункор бўлишга интилишдан опа-сингилларимиз ҳеч қачон чарчамасинлар.

Баҳор ва бахт байрами билан мамлакатимиз хотин-қизларини чин дилдан муборакбод этаман.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**
**суҳбатлашди**

## Сизни қадрлаймиз ва эъзозлаймиз





Кўпчилик прокуратурани жиддий идора сифатида таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Жиноятчилик билан курашга ва фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга жиддий иш сифатида баҳо бермаслик хато бўларди. Шу боис, бу касбни деярли эркаклар эгаллашган. Лекин орамизда мана шундай машаққатли соҳада ўз ўрнини топган, узоқ йиллар давомида меҳнати сингган хотин-қизларимиз ҳам мавжудлиги бизга мамнуният бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида ишлайдиган Мария Ефремова ва Мастура Комиловалар ана шундай инсонлар сирасидан.

Мария опанинг иродаси ва жасоратини таърифлаш учун унинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эканлигини айтишнинг ўзи кифоя. Прокуратуранинг фахрий ходими бўлишига ва саксон ёшдалигига қарамай, ҳамон сафимизда. Қарийб олтмиш йилдан бери Республика Ҳарбий прокуратурасида иш юритувчи, бўлим мудираси сифатида ишлаб келмоқда.

Мастура Комилова ҳақида ҳам кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Қарийб йигирма йилдан бери прокуратура органларида меҳнат қилиб келаётган бу аёлни ҳар доим бизни очиқ кўнгиллик билан кутиб олишига ўрганиб қолганмиз. Бир неча йилдан буён Республика Ҳарбий прокуратурасида таржимон ва иш юритувчи лавозимида фаолият кўрсатади. Ходимлардан беминнат ёрдамини аямайди.

Биз ушбу онахонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан самимий қутлаймиз. Уларга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси**

*Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.*

**Н.А.НЕКРАСОВ**



## ИЗҲОР

**Юртбошимиз эътироф этганидек, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.**

**Мамлакатимизда аёлларга эътибор давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётгани фикримизнинг яққол далилидир. Бугун аёл кириб бормаган тизим қолмади. Аёл — сиёсатчи, врач, муҳандис, таржимон. Аёл — муаллима, адвокат, ҳуқуқшунос...**

**Улар қайси соҳада фаолият юритмасин ўз касбининг билимдони ва талабчанлиги билан жамоанинг ҳурматига сазовор бўлиб келаверади.**

**Эл-юрт ташвишига эркаклар сафида туриб елка тутишнинг машаққатини енгиш учун уларга аллоҳ инояти ила қудрат берилгандек гўё...**

**Ҳуқуқшунос аёл зиммасидаги масъулият нақадар залворли. Буни биз билан ҳамқадам, ҳамфикр бўлиб ишлаётган тажрибали ҳуқуқшунослар Мубина Ғаниева, Манзура Хайитова, Дилноза Қадаҳорова, вилоят прокуратураси нозири Муҳаббат Фатуллаевалар фаолиятида кўраман.**

**Оила, фарзандлар тарбияси, рўзғор юмушлари, давлат иши... Буларнинг барчаси фидойилик, катта меҳнат талаб қиладиган жараён.**

**Байрам баҳонасида юртимиз аёлларини, прокуратура органларида фаолият кўрсатаётган ҳамкасб опа-сингилларимизни самимий муборакбод этаман.**

**Қонунчиликни мустаҳкамлашдек масъулиятли ишларида омад, ўзларига соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайман. Оналаримиз, опа-сингилларимизни баҳорий гўзаллик тарк этмасин.**

**Ойбек ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилоят прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси**

# Аёллар ва жамият

**Мамлакатимизда аёллар мавқеини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни учта асосий йўналишга ажратиш мумкин.**

Биринчи йўналиш асосан аёлларнинг ўз имкониятларини тўла намоён қилишига шароит яратиш мақсадида қишлоққа саноатни олиб кириш, ҳар бир ҳудуднинг хусусияти, табиий имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кичик саноат ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш. Бу ўз навбатида қишлоқ билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Биринчидан, ишсизлик муаммоси ҳал қилинади. Иккинчидан, кўплаб оилаларнинг иқтисодий аҳволи ўнгланади. Учинчидан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, табиий бойликдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади ва ниҳоят тўртинчидан, меҳнат фаолияти турлари билан боғлиқ қадриятлар тикланади.

Иккинчи йўналиш қишлоқда маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бундай шахобчаларни кенгайтириш ва турини кўпайтиришдан иборатдир. Фикримизча, аёлларга нисбатан қўлланилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳими айнан шу йўналиш ҳисобланади. Чунки, маиший хизматнинг кучайтирилиши, аввало қишлоқда аёлларнинг табиий имкониятларига мос иш ўринларини яратиш билан бирга, уларнинг ўзлигини, ўз қадр-қимматини англашга имкон берадиган маънавий камолотни юксалтирадиган тадбир ҳисобланади.

Учинчи йўналиш аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятга кўпроқ жалб қилиш, уларнинг жамият муаммоларини ҳал қилишда эркаклар билан баробар иштирокини таъминлашдан иборатдир. Шу ўринда айтиш жоизки, қайси мамлакатнинг қонунлари одил ва мустаҳкам бўлса, инсоннинг муҳим эҳтиёжи ва ҳуқуқларини кўзда тутса, ҳимоя қилса, ўша мамлакат фуқаролари ҳам ўз қонунлари каби ҳамиша одил ва мустаҳкамдир. Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар деб кўрсатилган. Бу билан аёлларимиз учун янги давр, янги истиқбол, янги ҳаёт очилди. Шунинг учун ҳам бугун республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги барча ислоҳотларда аёлларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Биргина Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларида 24 нафар хотин-қиз хизмат қилмоқда. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромадни яшириш, сотилган маҳсулотлар хажмини пасайтириш, «хуфиёна иқтисодда» фаолият кўрсатиш ҳолларини аниқлаш ҳамда бу иллатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришда фаол иштирок этишмоқда.

Оилани оила қиладиган аёлдир. Оилани, жамиятимизни бирлаштириб, файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам Онадир. Адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлатлар даражасига кўтаришда муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизни халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этаман.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори**

## «КИЧКИНАГИНА ЖУССАНГ БИЛАН ҚАНДАЙ ПРОКУРОРЛИК ҚИЛАСАН?»

# Ишонч ва қатъият билан

Кўча-кўйда, уйимизда атрофимизга бир қур назар ташлаб янги бир авлод шаклланиб келаётганлигини сезиш қийин эмас. Қайси куни бўш хонага кириб олиб овозининг борича — Серқуёш ҳур ўлкам...— дея мадҳиямизни ёд олаётган саккиз ёшли қизалоғимнинг товуши мени бир лаҳза тўхташга мажбур қилди. Секингина эшикнинг бир четидан разм солдим. Ойнанинг қаршисида қаддини тик тутиб, жиддий қараши билан олдинга тик боқиб куйлаётган фарзандимни даставвал танимадим. Дарров катта бўлиб қолибди-я... Кузатиб турганимни сезгач, уялиб тўхтаб қолди. Бағримга босиб, бир-икки эркалаганимдан сўнг ўзига келиб, саволларга кўмиб ташлади. Саволлари кўпроқ орзуга ўхшаб кетарди:

— Университет нима дегани?.. Врачлар нега оқ халат кийиб юришади?.. Адвокат бўлиш маззами?.. Прокурор фақат одамларни қамайдими?..



Бу саволлар мени тўлқинлантириб юборди. Кўнглимда унга ким бўлсанг ҳам, қаерда бўлсанг ҳам бахтли бўлсанг бас, дея тилак билдирдим.

Ишга йўл олар эканман, айнан ёш прокурор қиз билан учрашишим лозимлиги эсимга тушди. Сирдарё вилоят прокуратурасида мени кутиб олган Ўткир Худойқулов қаҳрамонимиз суд-процессида иштирок этаётганини айтди. Бир оз кутишга тўғри келди. Ниҳоят эшик очилиб қорачадан келган, кўзлари чақнаб турган, қадам ташлашидан куч-ғайрати ичига сиғмаётганлиги кўриниб турган ёш бир қиз ичкарига кириб келди.

— Ассалому алайкум, куттириб қўйганим учун узр.

У бизга суд процессида одамлар тақдири ҳал бўлаётганлигини, унга масъулиятсизлик билан ёндашиб бўлмаслигини тушунтиргач, таниша бошладик. Насиба Бегимова — 1979 йили Сайхунобод туманида ўқитувчи оиласида туғилган. 2000 йили Тошкент юридик институтини тугатиб Гулистон шаҳар прокуратурасида иш бошлаган. Қисқа вақт ичида шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси ва Сирдарё вилоят прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори лавозимларида ишлаган. Суҳбатимизнинг илк мавзуси унинг соҳадаги дастлабки олиб борган иши ҳақида бўлди.

— Менга омад кулиб боққан деб ҳисоблайман. Болаликдан прокурор бўлишни орзу қилганман. Ўзаро ўйинларимизда ҳам, мактабдаги саҳна томоша- [1] ларда ҳам «прокурор» бўлиб чиқишни яхши кўрардим. Институтни қизил диплом билан тугатдим. Бош прокуратура йўлланмаси билан ишга келдим, — дея гап бошлади Насиба Бегимова. — Ҳеч эсимдан чиқмайди, ишга тайинланган кунимоқ менга бир жиноят ишини ишониб топширишди. Ғанишер Эшбековга нисбатан қўзғатилган бу ишнинг мазмуни қуйидагича. Ушбу шахс Гулистон шаҳрида истиқомат қилиб келган. «Дельфин» диско-клубида маст ҳолатда тартибни бузган Ғ.Эшбеков милиция инспектори томонидан тўхтатилади. Лекин чақириққа бўйсунмай нозирга ҳам қўполлик қилади. Натижада нозирга тан жароҳати етказади. Ушбу ишни тергов қилиб, судга ўтказганман. Суд жиноятчига тегишли баҳо берди.

Мулоқотимиз тобора қизғин тус олди. Гап айланиб касбий масъулият масаласига бориб тақалди.

— Ёш бўлганлигим боис кўп масалаларни англаб олиш осон бўлмаяпти. Тажрибасизлигим туфайли қийналган вақтларим ҳам бўлган. Лекин сизга бирдан-бир қувват бериб турадиган, муттасил равишда сизни илгарига ундайдиган, энг оғир фурсатда ҳам далда берадиган бир туйғу бор. У ҳам бўлса кишиларнинг ўз ҳуқуқларини, адолатга бўлган ишончини юзага чиқариш масъулияти. Бу шундай масъулиятки, уни шифокор-жарроҳнинг ёки портловчи қурилмани зарарсизлантирадиган «сапёр»нинг масъулиятига менгзаш мумкин.

Очиғи, давр талабини тўғри англамаётган ва ўз шахсий манфаатини устун қўяётганлар ҳамон мавжуд. Айниқса, бундайларнинг «ҳуқуқшунос»лик ниқоби остига кириб олиши нафақат ачинарли, балки фожеали ҳамдир. Замон ривожлангани сари жиноятчиликнинг кўринишлари ҳам ўзгариб боради. Энг замонавий техникалардан, криминалистларни чалғитишда турли усуллардан фойдаланиш бугунги жиноят оламининг ажралмас бўлагига айланган. Бундай мураккаб ҳолатларни бартараф этишда ёшларнинг ўрни катта бўлиши аниқ. Бу ўринда ҳам масъулият янада муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқшунослар ҳар доим ўз устида ишлаши, талабчан бўлиши лозим деган фикрга тўлиқ қўшиламан.

Суҳбатимиз охирлаб борар экан, жиноятчиликни камайтиришга оид чора-тадбирларни кучайтириш мавзусини четлаб ўта олмадик.

— Оиладаги тарбияга эътиборни кучайтириш керак. Чунки оила халқимизнинг тенгсиз хазинаси, тарихан узоқ муддат давомида таркиб топган уюшқоқликнинг юксак намунаси. Ана шундай хазинадан янада самаралироқ фойдаланишимиз жиноятчиликнинг [2] камайишига олиб келади. Мени қаттиқ таъсирлантирган бир жиноят ишини келтиришим ўринли бўларди. Боиси бу жиноятни бизга тарбия бериши лозим бўлган катталарнинг ўзи содир этган.

Мирзаобод туманида яшаган Тошпўлат Исмоилов ва Самат Шербоевлар 2004 йил ноябрида салкам 4 кг. героинни 35.000 АҚШ долларига сотишга уринишган. Олиб борилган шунча тарғибот ишларига қарамай, мана шундай салбий ҳолатлар содир этилаётганидан афсусдаман.

Мени таъсирлантирган томони наркотикни сотишга уринган ушбу шахсларнинг ҳар иккаласи ҳам эллик ёшдан ошган кишилар. Улар ёшларга ўрнак бўлиш ўрнига мана шундай ишга қўл урганлиги фожеа эмасми? Улар ҳам қайсидир оиланинг соҳиби сифатида болалар тарбияси билан шуғулланиш ўрнига бундай жирканч ишлар билан банд бўлганлигини қандай изоҳлашни ҳам билмайсан.

Биз Н.Бегимова билан яна узоқ суҳбатлашдик. Унинг ғайрат-шижоати, мустақил фикрлаши, ўзига ва келажакка ишонч билан қараши бизни қувонтирди. Чунки шундай кишилар туфайли қонун ҳимоячиларининг одамлар орасидаги обрў-эътибори яна ҳам ошиб боради.

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,**
**«Ниqиq» мухбири** [3]



*Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.*

**С.БИФФЛЕР**




## Гулдаста

**Аёл зоти бор жойда дарҳол озодалик, гўзаллик пайдо бўлади. Жиззах вилояти прокуратурасидаги Гулнора Ҳамроеванинг кабинетига кирган кишида мана шундай таассурот пайдо бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бизни очиқ чеҳра билан кулибгина кутиб олган опага мақсадимизни баён қилдик. Бир зумда вилоят прокуратурасида ишлайдиган барча хотин-қизлар билан бизни таништирди. Улар билан суҳбатлашиб шу нарсага амин бўлдикки, аёл зоти қаерда бўлмасин, қайси касб соҳибаси бўлишидан қатъий назар, аёллигини сақлаб қолиши шарт экан. Биз улар тимсолида ана шундай содиқлик намунасига гувоҳ бўлдик.**

***Суратда: (чапдан ўнгга)*** *Жиззах шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Барно Умарова, Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчилари Гулнора Ҳамроева, Шоира Ашурова, Ленура Абдукеримова ва Жиззах тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Клара Яқубовалар.*

# АҲД

### ОЛТИНСОЧ ҚИЗНИНГ ОРЗУЛАРИ

Ёзнинг сўнгги кунлари бўлса-да, ҳавонинг тафти анча баланд. Қуёш борлиқни аямай қиздиради. Бухоро-Тошкент йўналиши бўйлаб йўл олаётган поезд купесига ўрта ёшлардаги киши ва бир қиз чиқишди. Купе кичкинагина, лекин саранжом, ўриндиқлари юмшоқ, дераза ойнасига чиройли, бежирим пардалар ўрнатилган.

— Қалай, қизим, яхшими? Агар ўқишга кирсанг, ана шу поездда бориб келаверасан, тинчгина... — деди ота қизига.

— Ҳа, жуда ажойиб экан отажон, худди уйдай. Фақат иккаламизгами бу? Каравотлар тўртта-ку?

— Ҳа, қизим, бу уйча тўртта йўловчига мўлжалланган.

Ота сўзини тугатар-тугатмас, кузатувчи купега икки аёлни бошлаб келди. Улар ҳам ўрнашиб олишди.

— Энди кетдик,— деди ота ҳамроҳларига орадаги жимликни бузиб.

— Ҳа, насиб бўлса, эрта тонгда шаҳри азим Тошкентда бўламиз. Кун ботиб, тонг отаяпти. Инсон умрини шунинг учун ҳам оқар дарёга қиёслайдилар-да, — деди аёл сумкасидан тандир нон чиқариб, дастурхон ёзаркан.

Ҳамроҳлар ўзлари билан олиб чиққан егуликлардан бир-бирларига мулозамат қилишиб чойлашишди.

— Қизим, отинг нима? Таътилда бир томошага борай дебсан-да. Нечанчи синфда ўқийсан? — деди ёшига нисбатан жуссаси кичик, нозиккина, оқ юзли қизалоққа чиройли кийинган опахон.

— Исмим Мубина, Тошкентга ўқишга кирмоқчиман, ТошДУга.

— Ие, рост айтаяптими бу қизингиз, Ғани ака? Жуда ҳазилкаш экан-да?— деди ёқасини тутиб Қизбиби она.

— Рост, олийгоҳга ҳужжат топширмоқчи, «юридический факультет»га, — деди отаси қизини ёқлаб.

— Вой ўлмасам, прокурор бўламан де, сенга муаллимликми, дўхтирликми лозим. Ўқишга-ку ўқирсан, аммо кичкинагина жуссанг билан қандай прокурорлик қиласан? Қаттиқроқ бир йўталса учиб кетасан-ку, Олтинсоч қизим! — дея Мубинанинг сочини силади аёл.

— Йўқ, мен барибир прокурор бўламан, — деди қизалоқ қатъий оҳангда.

— Тутганингни кесадиганга ўхшайсан. Омад ёр бўлсин, Синчалак қизим! —дея яна елкасига урди опахон.

— Раҳмат опа, қизим ҳам ўсиб-улғайиб, ўқишларда ўқиб, сиздай мартабали, элнинг севган қизи бўлсин,— деди қўлини кўксига қўйганча Мубинанинг отаси қаршисида қизига синчковлик билан назар ташлаб, мулойим кулиб турган аёл — меҳнат қаҳрамони, Ғиждувон туманидаги машҳур колхоз раисаси Қизбиби Ҳусеновага ҳурмат билан.

Поезд манзилга етди. Ҳамроҳлар бир-бирига яхшилик, омонлик, омад истаганча хайрлашишди.

* * *

Мубина Ғиждувон шаҳридаги Улуғбек номли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган эмасми, ўша йилиёқ ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Билимга чанқоқлиги, оққўнгил, дилкашлиги билан курсдошлари, ҳатто устозлари орасида ҳурмат ва эътибор топди. Дугоналари Зулайҳо, Чўлпоной, Мавжуда, Ақидалар билан ҳамиша иноқликда дарс тайёрлашар, бадиий китоблару кундалик матбуот тўғрисида фикр алмашишарди.

(Давоми 5-бетда).



*Қуйидагилар «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:*
*...Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш.*

**Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қароридан**

# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ҚАДАМ

Бундан беш-олти йил аввал рафиқам қизиқ гап топиб келган эди. «Нима эмиш, бундан кейин туғруқхоналарда кўзи ёриётган аёлнинг ёнида яқин одамлари, масалан, онаси, эри ёки қайнонаси бўлиши мумкин экан. Чақалоққа ҳам биринчи бўлиб онасининг сути берилар эмиш».

Ўшанда бу гапни эшитиб, очиғи, унчалик ишонмагандим. Вақт ўтган сайин эсимдан ҳам чиқиб кетди. Юртбошимиз томонидан 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинганидан кейин таҳририятда ҳам шу мавзуни кўпроқ ёритиш ҳақида гап бўлди. Шунда беихтиёр юқоридаги воқеа эсимга тушди-ю, ўша гапларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини аниқлаб, мақола ёзиш фикри туғилди. Зеро, инсон туғилар экан, ёруғ олам билан илк бор айнан туғруқхонада танишади. Қолаверса, уч фарзанднинг отаси бўлишимга қарамай, инсоннинг дунёга келишида бугунги кунда қўлланилаётган амалиётлардан бехабар эдим. Шу мақсадда бирор туғруқхона бош шифокори билан суҳбатлашиш режасини тузаётганимда бир кичик муаммога дуч келдим. Ниятимни эшитган айрим танишларим «Ахир эркак киши бўлсангиз, қандай қилиб аёлларга хос ҳолатларни ёзмоқчисиз? Уят бўлмайдими?» деб қолишди. Бу томонини ўйлаб кўрмаган эканман, иккиланиб қолдим. Устига-устак туғруқхонадагилар мени қандай тушуниширкин?

Аммо кўп ўтмай бу иккиланишим хато эканини тушуниб қолдим. Бунинг сабаби жуда оддий: биринчидан, бугунги кунда кўплаб эркакларимизнинг акушер-гинеколог бўлиб ишлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, кўпинча ҳомиладор аёллар аёл врачлар қолиб, айнан эркак шифокорларга мурожаат қилиши ҳақида эшитиб қоламиз. Ундан ташқари аёлларда ҳомиладорлик даврида юз берадиган паталогик ўзгаришларни афсуски биз эркаклар билмаймиз, тўғрироғи, ҳис қилмаймиз. Уларнинг шаънига мақтову ҳамд-санолар айтамиз. Фақат оғизда кўкка кўтарамиз. Зарур пайтда эса, яъни амалда аёлимизни қандай авайлаб-асрашимиз кераклигини, ундан туғиладиган бола айнан бизнинг фарзандимиз эканини, онаси қанчалик соғлом бўлса, бола ҳам шунга яраша туғилишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Оқибатда эса, худо асрасину, бир нарса бўлиб қолса касрини ўзимиз тортамиз-ку! Шундай бўлгач, нима учун бу мавзуга эркак кишининг нуқтаи назари билан ёндошиб бўлмайди? Хуллас, бир-бирига зид фикрлар оғушида нима бўлса бўлар дедиму, 1-шаҳар клиник касалхонасининг ёнида жойлашган шаҳар перинатал марказига йўл олдим.

Марказ директори Марям Содиқованинг хонасига киргач, у кишига ўзимни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдим.

***— Аввало байрамингиз муборак бўлсин. Биринчи саволни марказнинг номидан бошласак. Бу даргоҳ илгари 1-туғруқхона эди. Энди бўлса перинатал марказ деб аталади. Айтингчи, перинатал деган сўзнинг ўзи нима маънони билдиради?***

— Табрик учун раҳмат. Саволингизга келсак, марказ собиқ 1-туғруқхона базасида ташкил этилган бўлиб, насиб қилса келаси йили ўн йиллигини нишонлаймиз. Номланиши ҳақида айтадиган бўлсам, ҳомиладорликнинг биринчи кунидан то бола туғилиб, бир ойлик бўлгунча бўлган вақт перинатал давр деб аталади. Илгари аёллар бу ерга асосан туғиш учун келишган бўлса, ҳозир бундай эмас. Бизнинг асосий вазифамиз она билан боланинг айнан шу даврдаги соғлиғини назорат қилиб бориш, зарур пайтда керакли тиббий ёрдамни беришдан иборат. Бундан ташқари нафақат ҳомиладорлар, балки бўлажак оналарни ҳам доимо кузатиб борамиз. Марказимизнинг номи ҳам шундан олинган.

***— Марям Холиқовна, ҳозир ёдимга бир ривоят тушди. Сиз ҳам эшитган бўлсангиз керак. Нақл қилинишича, бир донишманднинг олдига ота-она чақалоғини олиб келиб, неча ёшдан тарбия қилиш лозимлигини сўрашибди. Боланинг ёши билан қизиққан донишманд, унинг туғилганига бир ҳафта бўлганини эшитиб, тарбиялашга бир ҳафта кечикибсизлар деган экан. Бундан тарбия маълум ёшдан эмас, балки, айнан бола дунёга келган кундан бошланиши керак деган хулоса чиқади.***

***Сиз раҳбарлик қилаётган даргоҳда ҳам болалар дунёга келади. Ёруғ олам билан илк бор шу ерда танишади. Она-боланинг соғлиғи жойида бўлса, беш-олти кундан кейин уйига жавоб берасизлар. Демак, бола илк тарбияни сизлардан олади. Айнан шу тарбия нимадан иборат?***

— Тўғри таъкидладингиз. Истиқлолга эришганимиздан кейин барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам кўп ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, бизда ҳам. Биласизми, яқин йилларгача бизда туғруқхоналар ҳам касалхона ҳисобланар, оналар фарзандини ўзи учун эмас, биз учун туғаётгандек эди гўё. Бола туғилган заҳоти йўргакланиб, чақалоқлар учун тайёрланган махсус бўлимга олиб кетилар, онасининг ёнига эса эртаси ё индинига олиб келинарди. Онасининг сутини ҳам дарҳол бермас эдик. Бугун эса ундай эмас. Ҳозир дунёга келган чақалоқни шу заҳоти волидасининг қорнига ётқизиб қўямиз. Бунда микрофлоралар, яъни онасининг бактериялари болага салбий таъсир қилмайди. Энг ҳайрон қоладиган жиҳати, «инга»лаб ҳаммаёқни бузаётган болакай ўша ондаёқ тинчийди. Бу табиий ҳол. Ахир бунёд бўлганидан бошлаб туғилгунича онасининг ҳароратини сезиб, юрак уришини эшитиб ётган гўдак ундан ажралганда қандай аҳволга тушади? Энди бунга чек қўйилди. Уларни шу тарзда икки соатча қолдирамиз. Онанинг ўша пайтдаги қувончини кўрсангиз. Дунёда ундан бахтиёрроқ одам бўлмаса керак.



Бундан ташқари, бола биринчи озуқани айнан онасидан олади. Айтганча, ҳозир чақалоқларимиз илгаригиларга ўхшаб йўргакланмайди, балки уларга кўйлак ва иштончалар кийдириб қўямиз. Болакайлар бундай ҳолатда эркин ётишади. Мисол учун, яқинда синглимникида меҳмон бўлдим. Янги туғилган чақалоғи бор. Қарасам, боласини йўргакка ўраб-чирмаб ташлабди. Қўл-оёғини бўшатиб қўйгин, десам кўнмади. Шунда «Менга қара, ҳозир сенинг ҳам қўл-оёғингни боғлаб қўйсам нима қиласан?» деб сўрадим. Синглим ўйланиб қолди. Кейинги сафар борганимда боласини йўргакламасдан эркин қўйибди. У ўйнаб ётибди, ўзиям хурсанд.

Тутаётган йўлимизнинг натижаси ёмон бўлмади. Масалан, 1999 йили халқаро экспертлар бир ой мобайнида фаолиятимиз билан танишгач, марказимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Кўкрак сути билан боқиш ҳақидаги ўнта тамойилнинг барчасини қўлловчи, болага самимий муносабатли шифохона» дея тан олинди ҳамда бизга шу ҳақдаги сертификат ҳам топширилди. Биз бу тамойиллардан ўзига хос дастур ишлаб чиққанмиз. Булар асосан: ходимларимизни ушбу дастур бўйича ўқитиш; марказга келган, ҳомиладор ва туққан аёлларга керакли ахборот бериш; боланинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда туғилганидан сўнг кўкрак сути билан боқишга ёрдам кўрсатиш; тиббий кўрсатмалардан ташқари чақалоқларга кўкрак сутидан ўзга ҳеч қандай озуқа бермаслик; она билан боланинг кеча-ю кундуз бирга бўлишини таъминлаш; болани талабига кўра овқатлантириш; чақалоққа тинчлантирувчи ёки сўрғичга ўхшаган воситаларни бермаслик ва ҳоказо.

***— Эшитишимга қараганда кўзи ёриётган аёлнинг ёнида яқин одами, масалан, онаси, эри ёки қайнонаси ҳам бўлиши мумкин экан. Бошқаларни билмадиму шахсан мен бу ҳолни ҳеч қабул қилолмадим. Назаримда ўзбек менталитетига ҳеч ҳам тўғри келмайдиганга ўхшайди.***

— Бу энди сизнинг шахсий фикрингиз. Аммо айнан шу тадбирнинг анча-мунча фойдаси тегаяпти. Дейлик, илк марта кўзи ёриётган аёлни эри олиб келди. Қабул бўлимида уни ичкарига киритишади, эр эса ташқарида қолади. Ўша аёлнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг! Уйидан мутлақо фарқ қиладиган янги муҳит. Устига-устак, ҳам дард азоби, ҳам қўрқув. Бундай пайтда кўпгина аёлларда айрим паталогик (салбий) ўзгаришлар кузатилади. Қон босими ошиши ёки дарди қочиши мумкин. Эри ёнида бўлса-чи? Авваламбор ўша аёл хотиржам бўлади. Ахир ҳаётини бағишлаган яқин кишиси тепасида туради-ю кўнгли тинч бўлиб, ўзини хотиржам сезмайдими! Натижада боланинг туғилиши табиий кечади, нохуш асоратлар ҳам юз бермайди. Шу ўринда биргина далил келтирсам: 2003 йили дори-дармон ишлатмаган ҳолда туғруқнинг кечиши 52 фоиз, яқин кишиларнинг иштироки 35 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб туғруқнинг табиий кечиши 70 фоиз, яқинларнинг иштироки эса 52 фоизга ошган.

Энди рақамларни бир четга қўйиб, ҳозиргина айтганимдек хотинининг ёнида бўлган йигитга қайтсак. Оиласига бефарқ бўлиб, рафиқасини бўлар-бўлмасга турткилайдиган, ҳаётга енгил қарайдиган айрим оталар бу ҳолатга гувоҳ бўлгандан кейин шунчалик ўзгариб, меҳрибон бўлиб қоладиларки, бундан кейин хотинини еру кўкка ишонишмайди. Айтмоқчи, марказимизда мутахассислар нафақат аёллар, балки ёш эр-хотинлар учун ҳам махсус дарслар ўтиб туришади. Бундай машғулотларда бўлғуси оталар ҳомиладор аёлга қандай муомала қилиб, нималардан эҳтиёт қилиш кераклиги ҳақида етарлича маълумот оладилар.

Очиғини айтишим керак, Марям опа билан қилинган суҳбат мобайнида туғруқхона ҳақидаги фикрларим ўзгарди. Аммо, барибир ёзишим керакми ё йўқлиги мени ўйлантирарди. Бу ҳақда Марям опага айтганимда, у киши шундай дея жавоб берди:

— Биласизми, менимча суҳбатнинг чоп этилиши яхши. Айниқса ёш оилаларга фойдаси тегади. Ушбу мақолани ўқиган юртдошларимизнинг тасаввури бойиса, омманинг соғлиқни сақлаш маданиятини юксалтиришга бизнинг ҳам, газетанинг ҳам қўшган ҳиссаси шу бўлади.

**Ғафуржон АЛИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

## ЭЪЗОЗ



Куни кеча Республика Бош прокуратурасининг яна бир ходими, фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими катта прокурори Матлуба Ниғмовани пенсияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Жамият ва оилани аёлсиз тасаввур қилиш қийин. Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилинишининг ўзи юртимизда аёлларга қилинаётган юксак эҳтиромдан дарак беради. Республикамиз қонунлари ҳам хотин-қизларга илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат учун ҳақ олиш ва турли лавозимларда ишлаш, ва умуман, сиёсий ва маданий фаолиятда эркаклар билан тенг ва имтиёзли имкониятлар яратилишини кафолатлайди. Матлуба опа ҳам, аввалам бор бир оиланинг саришта бекаси, меҳрибон она ва бувидир. У киши иш фаолиятини Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокуратурасида терговчиликдан бошлаган. Салкам ўттиз йил прокуратура органларида турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатди. Жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни таъминланишига муносиб ҳисса қўшди.

Фидойилик, ёшларга хизмат сирларини эринмай ўргатиш, ўнлаб шогирдлар... Опа босиб ўтган йиллар ҳақида шунчаки ҳикоя қилиш осон, лекин бунинг замирида қанчалик меҳнату машаққат ётганлигини ҳар ким ҳам теран англай олмаса керак.

У киши камтарона, ҳалол меҳнати билан прокуратура органлари ходимларининг ҳурмату эътиборига сазовор бўлиб, фидокорона хизматлари учун Бош прокурорнинг буйруқлари билан бир неча бор рағбатлантирилган.

Тадбир сўнгида Матлуба опага Бош прокуратура раҳбарияти ва ходимлари номидан мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, эсдалик совғалари топширилди.

**Ў.МАМАТОВ,**
**Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори**

*Ҳаёт гулдастаси-*
*ни боғлаб турувчи*
*шероза ва ҳаё(т)*
*чаманини яшна-*
*тиб турувчи гул*
*аёллардир.*

**Муҳаммад Жавҳар Заминдор**



# БОБУРИЙ МАЛИКАЛАР

Бобурий маликалар, яъни Бобурмирзонинг ўзига ёхуд ул зот Ҳиндистонда барпо этган салтанатга қандайдир маънода алоқадор бўлган аёллар ҳақида тўла маълумот бериш эмас, балки уларни номма-ном санаб чиқиш учун ҳам кўп қоғоз қоралаш, катта китоб ёзиш лозим бўлади. Шу сабабдан уларнинг энг таниқлилари тўғрисида озгина маълумот беришни ният қилдик.

Маълумки, Бобур Ҳиндистонда барпо этган давлат Европада «Буюк мўғуллар салтанати» номи билан машҳурдир. Бунга сабаб, Европа халқлари ҳам, яҳудийлар ҳам асосан она томонга урғу берадилар, яъни бола онасининг миллатида бўлади деб ҳисоблашади. Бизда эса ота томонга эътибор қаратилади. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорбегим Юнусхон мўғул ва Эсон Давлатбегимнинг қизи бўлган. Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхон наслидандир. Шундай қилиб, европаликлар Бобурнинг онаси мўғул бўлгани боис, ул зот барпо этган салтанатни Буюк мўғуллар салтанати деб атайдилар, аммо бобурийлар ўзларини ҳеч қачон мўғул деб ҳисобламаган, аксинча Амир Темур авлодлари деб атаганлар.

Биз эса, келинг, гапни Бобурмирзодан туғилган фарзандлардан, яъни қизлардан бошлайлик. Бобур замонасининг урф-одати ва ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда бир неча марта уйланган. Унинг Ойша султон билан қурган оиласидан Фахруннисо деган қизи бўлган. Дилдорбегим билан қурган оиласидан уч қизи ва бир ўғли бўлган. Ўғли ҳали Ҳиндистонни забт этмасдан туғилганлиги сабабли унга Ҳиндол, яъни Ҳиндистонни ол деган маънода исм қўйилган. Қизлари Гулранг, Гулбадан ва Гулчеҳралар ичида бизга асосан Гулбаданбегим кўпроқ таниш, у Бобурнинг Моҳимбегим деган жуфти ҳалолидан туғилган ўғли Ҳумоюн давлат тепасига келгач, унинг ўғли Акбар (тахт вориси)нинг илтимосига кўра отаси ҳақида анча хотиралар ёзиб қолдирган. Ҳумоюн Гулбаданбегимнинг ота бир, она бошқа акаси бўлган. Кўриниб турибдики, тахтга ворислик Бобурнинг Моҳимбегимдан туғилган фарзандларига ўтган. 1575 йили Гулбаданбегим жияни Акбарнинг хотинларидан бири Салимага муқаддас ҳаж сафарини адо этишда ҳамроҳ бўлган. Саксон ёшлардан ошиб, 1603 йил 17 февралда дорулфанодан дорулбақога рихлат қилган. Бобурнинг барча қизлари, шунингдек баъзи невaралари ҳам сарой ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Гулбаданбегимнинг туғишган укаси Ҳиндолнинг қизи Рўқайёнинг ҳаёти ҳам жуда қизиқ. У Акбарнинг биринчи хотини бўлган, аммо фарзанд кўрмаган. Акбарнинг ҳинд миллатига мансуб хотини Манматидан туғилган ўғли Салим Жаҳонгирнинг фарзанди Хуррам, яъни бўлажак тахт вориси Шоҳжаҳоннинг тарбияси билан Рўқайё шуғулланган. Салтанатда аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Фарзанд кўрмаган маликалар бошқа бобурий шаҳзода ва маликаларнинг фарзандларини ўғил ёки қиз қилиб олган ҳоллар анчагина. Оналарни ҳурмат қилиш маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири деб қаралган. Рўқайё билан боғлиқ яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. 1611 йили Жаҳонгир эронлик Меҳринисога уйланади. Ота-онаси Қандаҳорда қувғинда бўлган пайтда таваллуд топган Меҳринисо кейинчалик Нурмаҳал, яъни саройнинг нури деб, ундан ҳам кейинроқ эса Нуржаҳон деб юритилади. Унинг отаси Ғиёсбек кейинчалик Эътимод уддавла сифатида салтанатда катта рол ўйнаган. Нуржаҳон илгари Шер афкон деган зобитнинг рафиқаси бўлган. Шер афкон Бенгалияда оғир ярадор бўлиб, вафот этади. Баъзи манбаларда Жаҳонгир эронлик бекнинг Қандаҳорда туғилган қизини илгари кўриб ошиқ бўлиб қолган, сўнг унинг эри ярадор бўлиб, вафот этишини уюштирган деган миш-мишлар ҳам бор. Нуржаҳон Акбарнинг биринчи хотини, Хуррамнинг тарбиячиси, бефарзанд Рўқайёнинг уйида яшаган. У салтанатдаги энг фаол аёллардан бўлган. Бора-бора бу малика отаси ҳамда унинг укаси, ўз амакиси Асафхоннинг қўллаб-қувватлаши натижасида давлатнинг бутун ишларини ўз қўлига олган. Бу малика Жамна дарёсининг шимолий қирғоғида барпо эттирган «Нурафшон» боғи ва «Нурмаҳал» қасри юксак санъат намунасидир. Аммо унинг яна бир иши, яъни Жаҳонгирга турмушга чиққандан кейин бироз ўтиб ўз жияни (Асафхоннинг қизи) Аржумандбонуни тахт вориси Хуррамга унаштириб қўйгани унинг ҳам номи тарих зарварақларига ёзиб қўйилишига сабаб бўлган. 1628 йилнинг февралида тахт учун бўлган



узоқ курашлардан сўнг Хуррам давлат тепасига келади. Аржумандбону, кейинчалик Мумтозмаҳал номи билан машҳур бўлган маликага шоҳнинг барча фармонларини ўқиб, муҳр босиш вазифаси топширилади. Малика ҳар йили фарзанд кўрган, аммо 14 нафар боладан икки қиз ва тўрт ўғил омон қолган. 1631 йилнинг июнида, ўн тўртинчи фарзандига кўз ёриётган малика ҳаётдан кўз юмган. Маликанинг ўша пайтда эндигина ўн саккизга тўлган катта қизи Жаҳоноро онаси вафот этаётганда бошида бўлган, барча фарзандлик бурчларини адо этган ва салтанатнинг биринчи маликасига айланган. Бутун жаҳонга маълум ва машҳур «Тожмаҳал» Аржумандбегимга, яъни Мумтозмаҳалга бағишлаб қурилган.

Юқорида салтанатда аёлларга алоҳида эътибор қаратилганини тилга олиб ўтгандик. Бобурий ҳукмдорларга ҳаётлик пайтида ва вафотидан кейин турли нисбатлар берилган. Масалан, Бобурмирзога «Фирдавсмакон», Хуррамга «Шоҳжаҳон» ва «Соҳибқирон» деб, малика Манматига (Жаҳонгирнинг онаси) «замона Марями», Аржумандбегимга «Мумтозмаҳал» билан бирга «Маликаи жаҳон» деб, унинг қизи Жаҳонорога «Соҳибат аззамон» дея нисбат беришган.

Худди улуғ боболари Амир Темур каби Бобурийлар салтанатида ҳам аёлларга катта эҳтиром кўрсатилган. Бобурмирзонинг қизи Гулбаданбегим акаси Ҳумоюннинг тўйини тасвирлаб ёзишича, Ҳумоюннинг ўнг тарафида 87 нафар, чап тарафида ҳам шунча маликалар, амма, хола ва жиянлар ўтиришган экан.

**Йўлдош ПАРДА,**
**«Huquq» мухбири**




*Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу қизда ўзбекона меҳмондўстлик, очиққўнгиллилик мужассам. Шаҳримиздаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг ходимаси Элвира Аюпова ҳар куни кўплаб хорижлик ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонларга самимий хизмат кўрсатади.*

# Бир қўшиқ куйлайин...

*Онам Муҳтарам Саттор қизига*

*Бир қўшиқ куйлайин сиз ҳақингизда,*
*Тонгдай тоза, тонгдай нурафшон.*
*Бир қўшиқ куйлайин сиз ҳақингизда,*
*Умрдек мазмунли, серзавқ, Онажон.*

*Меҳримни жо этиб сатрлар аро,*
*Бир қўшиқ куйлайин сочингиздек оқ.*
*Бир қўшиқки, орзу каби дилрабо,*
*Умиддек ёрқину, ниятлардек пок.*

*Бир қўшиқ куйлайин сизга Онажон,*
*Сўзларингиздек тотли ёзай бир ғазал.*
*Сиз учун яратай меҳримдан достон,*
*Юзингиздай пурмаъно, қалблардай гўзал.*

*Меҳрдай ҳаётбахш, меҳрдай иссиқ,*
*Бир қўшиқ куйлайин меҳрибонгинам.*
*Қоғимда гупирар туғёнли қўшиқ,*
*Гуриллаб ёнмоқда ҳисларим бу дам.*

*Бир қўшиқ куйлайин...*

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# АҲД

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Талабаликнинг олтинга тенг, бебаҳо лаҳзалари кўз очиб юмгунча ортда қолди.

1976 йилнинг ёзи. Олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломни олган Мубина ўзи туғилиб ўсган севимли гўшаси Ғиждувонга келди. Туман тайёрлов идорасида ҳуқуқшунос бўлиб иш бошлади. Корхона раҳбари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Истам ака Жаъфаров ёш мутахассисни илиқ кутиб олди.

Мубина Ғаниева 1977 йилдан 1997 йилгача Шофиркон туман прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, терговчи, прокурорнинг катта ёрдамчиси вазифаларида фаолият кўрсатди. Ўша пайтлар туман прокурори бўлиб ишлаётган Салим ака Ҳамроев ўз тажрибаларини Мубинадан аямади. Шогирдининг нуқсонларини ўз ўрнида кўрсатиб, ютуқларидан қувониб, сўз билан бўлса-да рағбатлантирарди.

— Отадай меҳрибон, қаттиққўл ва оққўнгил, билимдон Салим аканинг биз шогирдларига қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Салим ака шогирдларини ҳамиша ҳалол, билимдон, ҳақгўй, меҳнатсевар бўлишга даъват этарди: «Прокурор бўлсанг, ҳар бир фикринг, сўзинг виждонинг тарозисида бўлса, тошларинг эса қонуннинг олмос тошларидан ясалган бўлсин. Элдан узоқ юрма, эл дарди билан яша. Одамларнинг ўтган кунини ёдингда тут, бугуни учун тинчингни буз, эртасини ўйла, келажаги учун ён! Шунда сен бурчингни бажарган бўласан!»

Ёш ҳуқуқшунос қиз учун прокуратура тизимида ишлаш қанчалик қийин бўлмасин, астойдил ҳаракат қилди. Кези келганда терговчилик пайтлари жиноят ишини ўрганиш, ҳолатни кўздан кечириш учун тунда ҳам Ғиждувон шаҳридаги уйидан Шофирконга боришга тўғри келарди. Ярим тунда қизи «Конвой» машинаси ҳайдовчиси ёнига ўтириб кетаётганда, онаси: «Танлаган касбинг бор бўлсин, қизим! Сени бу ишдан қайтара олмадим-да! Ишқилиб, ой бориб омон қайт...!» дея дуо қиларди. Очерк ёзиш жараёнида Мубина опа касбига доир қизиқ воқеаларни гапириб берди:

— Шофирконда терговчи бўлиб иш бошлаган кунларим эди. Тушдан сўнг икки нафар 4-5 ёшдаги болаларнинг ҳовузга тушиб ўлганлиги ҳолатини аниқлаш тўғрисида топшириқ олдим. Милиция ходимлари билан манзилга етиб бордик. Хизмат юзасидан ўлик болалар ётган хонага биринчи бўлиб мен киришим керак. Ёз куни бўлганлиги учун хонанинг орқа эшиги очиқ, болаларнинг усти дока билан ёпилган эди. Хонага кириб уларни кўрмоқчи бўлиб яқинлашганимда, бирдан ўликлар устига ёпилган дока силкиниб-силкиниб тушди. Ёш эмасманми, юрагим «шув» этиб кетди. Бир қадам ортга тисарилдим. Коридорда турган милиция ходими ҳолатимни сезди чоғи, орқамдан кирди. Унгача ташқаридан эсаётган шамол туфайли болачалар устидаги мато яна бир-икки силкинди. Шундагина мен ноўрин ҳаяжонланганимни ҳис қилдим. Уйга қайтгач, бўлган воқеани онамга айтиб берганимда, у киши бошларини сарак-сарак қилиб, ёқасини ушлаганча «Ишқилиб қаттиқ қўрқмадингми, болам? Сувпув ичдингми? Ёғлик овқат еганинг йўғми?» дея ҳовлимиздаги катта қозон тагидан қурум қириб олиб бир пиёла сувга ташлаб, менга ичирди.

Яна бир ҳолат эсимдан чиқмайди. Кузнинг сўнгги ойи. Ярим тунда уйга телефон бўлди: «Шофиркон ҳудудидан ўтувчи каналда номаълум кишининг жасади топилибди. Тайёр туринг, машина бораяпти».

Ўша куни шамоллаганим боис иситмам чиқиб, ишдан сўнг дори ичиб кўрпага ўраниб ётган эдим. Телефондаги хабардан сўнг кийиниб кетишга чоғландим. Меҳрибон онагинам эса юзим, пешонамни ушлаб кўриб:

— Яна қаёққа, иссиғинг бор-ку ҳали? — дея куйинди.

— Иложим йўқ, онажон. Бормасам бўлмайди. — дедим қатъий. Ҳаял ўтмай хизмат машинаси келди.

Милиция ходимлари билан Шофиркон-Ғиждувон чегарасидаги канал бўйига етиб келдик. Ҳаво анча совуқ. Ўлик сув юзида қалқиб турибди. Унинг дарахт илдизига илиниб қолганлигини ой нурида кўрса бўлади. Чўл ҳудуди бўлганлиги учун ҳам яқин орада одамлар яшамайди. Милиция ходимларидан бири ўликни тортиб олишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бўлмади. Чунки, у бутунлай шишиб, илвираб кетган эди. Нима қилсак экан? Ниҳоят машинада бўлган иккита қанор қопни олиб, уни йиртиб икки учини боғладик. Тўрт нафар милиция ходимига мурданинг остидан қанорни ўтказиб, кўтаришни буюрдим. Уни осонгина машинага олиб бордик. Шу кеча қўрқув ва ҳаяжондан ухлолмай, эрталабгача юрагим титраб чиқди.

Мубина Ғаниева Шофирконда 20 йил астойдил ишлади. Шофирконликларнинг энг яқин кишисига айланди. Ғиждувонда ўз бахтини топди. Оила қуриб, икки фарзандли бўлди.

У 1997 йилдан 1998 йилнинг июлигача Вобкент туман прокурори ёрдамчиси вазифасида ишлади. Устозлар ўгити, йиллар давомида қилган ишлари ўз самарасини берди. 2002 йилда унга «Адлия маслаҳатчиси» унвони берилди. Ўз соҳасининг билимдони Мубина Ғаниева ҳар бир ишни астойдил бажаради. Тажрибаларини ёш ҳамкасбларидан дариғ тутмайди. Кези келганда уларнинг фикрларини жон қулоғи билан тинглайди. Мубина опадаги яна бир инсоний хислат — у одамларни, суҳбатдошини тинглашдан эринмайди. Бўш вақти бўлди дегунча бадиий китоблар ўқийди. Газета-журнал мутолаа қилади.

Тажрибали ҳуқуқшунос Мубина Ғаниева 1998 йилдан буён вилоят прокурори ёрдамчиси, прокурор катта ёрдамчиси ва бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб келмоқда. У ҳамиша одамлар дарди билан яшайди. Адолат тантанаси учун тунни-кунга улайди. Касб маҳорати ва билимини ошириш учун ҳамиша изланади, ўқийди. Мубина опа оилада суюкли ёр, саранжому саришта уй бекаси, фарзандларининг азиз онажониси ҳамдир. Қизи Азиза онаси йўлидан бориб Тошкент юридик институтида ўқияпти. Ўғли Лазизжон ҳам ҳуқуқшунос бўлиш ниятида.

Мубина опадек кўнгли покиза, қадамлари қутлуғ, бахти баркамол ўзбек аёллари кўпаяверсин.

**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

TERGOVCHI HIKOYA QILADI



# ҚИДИРУВ

**Сафар КАТТАБОЕВ**

Қидирув бугундан бошланди. Милиция ходимлари икки-уч кишидан бўлиб кўрсатилган жойларга жўнаб кетишмокда.* Қўлида болаларнинг фотосурати.

Яна икки аёл судрашиб кабинетга киради. Қодирнинг онаси қалтираганча гапиради:

— Булар қаерларда тургансан деб қистовга олишди. Вокзал томонда ҳам турганим эсимга тушди. Лекин у ерга ўғлим борадими-йўқми, билмайман.

Ҳар эҳтимолга қарши у ерга ҳам бир милиционерни қўшиб Инобатни жўнатдик. Уларга ишонмай Ҳамдамнинг бир қариндоши ҳам қўшилди.

Коридор бироз тинчигандек бўлди.

Бир пайт милиция ходими кабинетга ёши қирқлардан ошган репетитор — Элмира опани эргаштириб кирди. Унинг ҳам капалаги учган. Қон босими кўтарилиб кетгани учун аввал дори ичиб, кейин гап бошлади:

— Ўзи бировга яхшилик қилма экан. Бу икки аёлни бева деб раҳмим келиб болаларини ўқитишга рози бўлувдим. Анависидан-ку бир сўм ҳам олмайман, бунисидан ҳар икки дарсим учун 500 сўм олардим. Шу ҳам пулми? Ўша куни мазам бўлмай ярим соат кечикиб келдим. Келсам бошқа болалар бор, бу иккиси йўқ экан. Мен ҳам қизиқиб сўраб ўтирмадим. Бир вақт Ҳамдамнинг онаси келди, болалар йўқ деб. Шундан бери дори ичаман. Икки бола ҳам шўх эмас эди. Билмасам нима бўлди? Кечадан бери директоримиз ҳам еб қўйди, энди мактабга гап тегади, деб. Уни ҳам мен билан олиб келишди.

— Ўқитишингиз расмийлаштирилганми, қонунийми?

— Қаерда? Ҳозир ўқитувчиларнинг иш ҳақини биласиз. Бир ҳафтага ҳам етмайди. Икки ойдан бери уни ҳам бергани йўқ. Мактабни ташлаб кетай десам, болаларга ўрганиб қолганман. Бозорга чиқиб «бизнес» қилиш қўлимдан келмайди. Кун кечириш керак-ку. Лекин директорнинг хабари бор. У билан келишмасдан биронта ҳам ўқитувчи ҳеч нарса қилолмайди.

Кабинетга чақирилган директор эса буни рад қилди.

— Менинг умуман хабарим йўқ. Қаранг-а, мендан яширинча болаларни мактабда ўқитишар экан. Агар болалар топилмаса буни ишдан ҳайдаймиз. Шаҳар маориф бўлими билан келишиб қўйдим.

Директорни тинчлантирамиз.

— Ўқитувчини ишдан ҳайдаш қочмайди. Сиз аввало ҳамма болаларни катта танаффусда йиғинг. Воқеани айтиб, болаларнинг фотосуратини кўрсатиб улардан ёрдам сўранг. Эҳтимол, биронтаси бирон жойда кўргандир. Биз шаҳар маориф бўлимига ҳам айтдик, ҳамма мактабларда шундай йиғилишлар бўлади...

Уларни шундай топшириқ билан мактабига қайтариб юборамиз. Вокзал томон кетганлар қайтиб келишди. Йўқ, у ерга боришмабди.

Ҳамдамнинг отаси билан бир гаплашишдаёқ унинг бундай ишларга қодир эмаслиги маълум бўлди. Алимент тўлашдан қутулиш учун ёки бошқа мақсадда бола ўғирлайдиган кишига ўхшамайди. Эгнидаги абгор кийимидан кимлиги кўриниб турибди. Унга қўшилиб хотини ҳам қўшнилардан йўл пули учун қарз олиб болаларини эргаштириб келибди.

Кўрсатилган адресларга кетган милиция ходимлари ҳам бирин-кетин қайтиб кела бошлашди. Янгилик йўқ.

Тошкент ресторанларига гўшт ташийдиган одам эса умуман бундай аёлни танимайман деди. Инобат билан юзлашгандан сўнг ҳам тониб тураверди. Шунда Инобат: «Бу одам мен ижарада турган уйга олиб келган аёлни бозорда кўриб қолдим. Уни танийман, қаерда ишлашини ҳам биламан», — деб қолди.

Унга бир ходимни қўшиб ўша аёлни топиб келишга жўнатдик. Аммо улар прокуратурадан чиқиб улгурмасидан «бизнесмен» тилга кириб ялина бошлади:

— Уларни қайтаринг, илтимос! Ўша аёлнинг олдига боришмасин, яқинда ундан зўрға қутулдим. Ҳақиқатан ҳам Инобатни ижарага қўйганман, ҳаммасини айтиб бераман.

Биз ҳам атайлаб унинг асабига тега бошладик:

— Нега энди, бориб олиб келишсин. Эҳтимол у аёл эмасдир, Инобат алдаётгандир. Биз унинг ўзидан ҳам гумон қилаяпмиз. Унинг гаплари қанчалик тўғри эканини текшириб кўришимиз керак. Агар ўша аёл сизни танимайман ва бу ёлғон гапираяпти деса биз Инобатнинг ўзи билан шуғулланамиз.

— Йў-ўқ, ўша аёл, — негадир бизнесменнинг бояги бўйнийўғонлиги-ю, сурбетларча тониб туришидан асар ҳам қолмаган эди. — Жо-он акажонлар, бир марта кечиринглар. Билмасдан, қўрққанимдан Инобатни танимайман деб сизларни алдадим. Минг бора узр.

— Хўш, агар Инобатни танисангиз, у сизникида қанча вақт ижарада турди? Ўғлини ҳам кўрганмисиз?

— Жон ака, аввал уларни қайтаринг. Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман.

— Улар кетиб бўлишди. Аллақачон ўша аёлни топгандир ҳам.

— Йўқ. Милиция ходимининг қўлида «сотка» кўрувдим. Мана, менинг «соткам»дан чиқинглар. Қайтаринглар, нима хизмат бўлса тайёрман. «Делекатес» овқатлар бўйича мендан ўтадигани шаҳарда йўқ.

Қора терга ботган, ранги ўчган «бизнесмен»га ҳақиқатан ҳам одамнинг раҳми келар эди. «Сотка» орқали милиция ходими ва Инобатни қайтардик.

Бироз ўзига келган «бизнесмен» кўнгли жойига тушиб енгил нафас олди ва Инобатни ўғли билан ижарага қўйганини тан олиб гапириб берди.

— ...Аммо ўлимдан хабарим бор, лекин Инобатнинг ўғли йўқолишидан хабарим йўқ, ўша куни Тошкентда эдим.

«Бизнесмен»нинг гаплари ишончга сазовор эди. Қандайдир бир аёл билан қасдлашиб пасткашлик қиладиган одамга ўхшамайди. Шунинг учун унга ҳам жавоб бердик. Қайта-қайта қуллуқ қилиб орқаси билан кабинетдан чиқар экан, бундан кейин бева аёлни ижарага қўймасликка қасам ичганини айтди.

Вақт кеч бўлаяпти. Кетган гуруҳлардан фақат биттасигина қайтиб келмади. Келганларнинг эса жавоби битта. Инобатнинг ота-онасиникига ҳам боришмабди.

Вазият таранглашмоқда. Нима бўлган бўлиши мумкин? Бугунга режалаштирилган барча ишлар қилинди. Иккинчи даражали тахминларгача текширилди. Натижа йўқ.

Шу пайт телефон жиринглаб Ҳамдамнинг онасининг йиғламсираган овози эшитилди:

— Биз сизларга ишониб юрибмиз. Ҳозир Ғузор туман чорраҳасига бориб келдим. У ердаги милиция ходимларига болаларнинг расмини кўрсатиб қидираяпсизларми десам уларнинг хабари ҳам йўқ экан. Агар болаларни қидириш учун пул тўлаш керак бўлса тўлайлик, бу аҳволда улар ҳеч қачон топилмайди...

Уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим.

— Ким билан юрибсиз, ёнингизда одамлар борми?

Жавоб ўрнига машиналар шовқини, кейин қисқа-қисқа гудок эшитилди. Агар бугун ҳам топилмаса жиноят иши қўзғатиш ва қидирувни республика миқёсида ташкил қилиш керак деган тўхтамга келдим.

Телефон яна жиринглади, аммо шовқиндан ҳеч нарсани эшитиб бўлмади. Яна жиринглади ва ҳозирча келмаётган охирги гуруҳ раҳбарининг «сотка»дан узуқ-юлуқ овози эшитилди: «...болалар топил... машинамиз бузилди...».

Аммо қанча ҳаракат қилмайлик, боғланиб бўлмади. Болалар топилганми ёки йўқми? Топилган бўлса қай аҳволда? Энг муҳими —тирикми?

Боғланишга ҳаракат қилиб, ниҳоят топдик.

— Болалар тирикми, соғ-саломатми?

Шовқин орасидан «ҳа...» деган сўзни англадик. Аммо аниқ эшитилмагани учун бир қарорга кела олмадик.

Яна телефон. Энди қидирув гуруҳи раҳбарининг «сотка»дан тиниқ овози эшитилди: «Бизлар бораяпмиз, болаларни топдик. Ўша Бойсари бобоникида қўй боқиб юрган экан. Ҳозир ярим соатдан сўнг прокуратурада бўламиз, ҳаммасини ўзлари айтиб беришади».

Гўё шуни кутиб тургандек Ҳамдамнинг онаси телефон қилди:

— Ҳеч гап йўқми?

— Бор. Олдингизда ким бор?

— Укам, нима эди?

— Чақиринг.

У узоқроқда бўлса керак, ҳадеганда келавермади. Аёл эса такроран нима гаплигини сўради. У ниҳоятда тушкун аҳволда эди, бор гапни айтмай туролмадим:

— Болалар топилди.

Трубкадан аёлнинг қўрқинчли овози эшитилди:

— А? Ни-и-ма дедингиз? Топил-д-и-и?! Тирик-ми ўз-и?..

— Ҳа, тирик, соғ-саломат. Қаердасизлар, қани укангиз?

У гапларимни эшитдимийўқми, билмайман. Трубка тарақлаб кетди ва тапир-тупур овозлар эшитилиб, бир пасдан сўнг қисқа-қисқа гудок эшитила бошлади.

Ўзимни ўзим койийман. Унга эмас, укасига айтишим керак эди.

Бу вақтда хонага милиция ходимлари икки болани эргаштириб кириб келишди. Изидан Ҳамдамнинг қариндошлари ҳам ёпирилишди. Момоси уни йиғлаб қучоқлар экан, «Худди ўзи, сен ҳам қара» деб бир йигитга бақирарди. Икки бола эса атрофида нималар бўлаётганига ҳайрон, ахир биз нима қилдик, ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку дегандек хотиржам эди.

Ниҳоят улардан аста-секин нима бўлганини сўраб оламиз. Гапиришни хоҳлашмайди. Ҳар бир сўзни оғзидан суғуриб олгандек бўламиз. Жавоб жуда оддий. Икки боланинг ҳам уйдан қочишига сабаб битта: ёлғизлик, меҳрсизлик.

Ҳамдам кун бўйи уйда бир ўзи қамалиб туради. Ишдан чарчаб келган онасининг унга эътибор беришга вақти ҳам, ҳафсаласи ҳам йўқ.

Янги жўраси Қодир унга қишлоқда Бойсари деган бобосиникида қандай қилиб эшак миниб қўй боққани, туянинг устида туриб атрофга қараса ҳамма томон кўринишини завқ билан ҳикоя қилади. Ҳамдамга «юр кетдик, сенга ҳам кўрсатаман» деб қизиқтиради. Онанг пул берган куни кетамиз, лекин бу ҳақда ҳеч ким билмасин, деб тайинлайди.

Автобусга чиқиб 100 сўм билан охирги бекатгача келишади, сўнг такси тутишади. Қодирнинг хотирасида хўжаликка кирувчи каттакон дарвоза қолган эди. Шу ерда тушишади. У ёғига бир неча километр юриб бобоникига боришади. Қодир «бобо, онаиларимиз Ургутга бозорга кетишди, қайтишда олиб кетишар экан» деб уни алдайди. Қишлоқ одамлари бамайлихотир эмасми, неча кун бўлса ҳам юраверинглар, шаҳарда нима қиласизлар, дейишади.

Бир пайтлар онаси билан борганида бобой Қодирга қурут бериб, келиб тургин деб тайинлайди. Эшакка, туяга миндиради. Туя жунидан бўлган коптокча беради. Ўзининг бобоси, момосидан бундай меҳрни кўрмаганлиги учун бу нарса боланинг миясида ўрнашиб қолади...

Болалар топилганидан ҳамма хурсанд. Аммо улар мамнун эмас. Атиги бир неча кунлик эркин ҳаётга ҳам катталар чек қўйишди. Улар жим. Уларни барибир ҳеч ким тушунмайди.

*(Охири. Бошланиши ўтган сонларда).

RIVOYAT

## ДОНОЛАР ДЕМИШЛАР

Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинадилар.

Биринчиси — ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қуролланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Болани тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси — оилада ботил ҳаёт ва фосид фикрлар билан ўсиб улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ билан қудуқ қазиш ёки қазиб ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни болғалаш билан баробар.

Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни ёритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

**Абулбаракот Қодирий**

# Республика акциядорлик тижорат

# «ПАХТА БАНК»

## жамоаси

**Мунис онажонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимизни 8-март – халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этади.**

**Сиҳат-саломатлик йилида барчангизга баҳорий кайфият ҳамроҳ бўлишини тилаб қолади.**

**Шу билан бирга «ПАХТА БАНК» «Пластик карточка»ларидан сиз нафақат тўлов воситаси сифатида фойдаланасиз, балки ушбу ҳисоб-рақамингиздаги пул маблағингизга қўшимча даромад қўшилади.**

## «ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

O`ZBEKISTON XALQ SHOIRI ZULFIYAXONIM TAVALLUDIGA 90 YIL TO`LDI

# Кел баҳор, ҳуррият сингари...



***Зулфияхоним шахси, фаолияти, табиати, ибрати ҳақида ўйлаганим сари инсоният ўз насли учун имкон қадар тўкислик, шароиту мукаммал имконият яратиш учун азал-абад интилишининг асл мақсад-моҳиятини яна ҳам чуқурроқ англагандек бўлавераман: ҳар жиҳатдан баркамол, назари бутун ва юксак, ўз тақдири олдида юзи ёруғ одамларгина бошқаларга ҳам худди мана шу инсоний тўкисликни бахш этишга қодир бўларкан. Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним ана шундай шахслардан бири эди.***

Устоз ҳақида қачон, қаерда сўзлашга тўғри келса, мен ҳар гал тараддудланиб, гапимни нимадан бошласам экан, деб ўйланиб қоламан. Чунки Зулфияхоним шоира, арбоб, устоз, садоқатли ёр, ҳалоллик ва ироданинг рамзи сифатида шундай ёруғ ҳаётий из, ибрат, хотиралар қолдирдиларки, уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу, зеро, бу ҳақда ўйлаб ўтирмайсан, фикрлар ўзи қуйилиб келаверади.

### ТАҚДИРИ, ҲАЁТИ, ЖОНИДА — ҚУЁШ...

Адабиёт Зулфияхоним учун бир умрлик муқаддас даргоҳ бўлиб қолди.

...Ўтган аср 80-йилларининг охирлари эди. «Мен ҳам тугунларимни тугиб-тугиб қўядиган вақт келди. Устозларим Миртемир ака, Ғафур ака, Ойбек, Ҳамид Олимжон ҳақида кўрган, билганларимни ёшлар билишмайди. Кексалардан саноқлигина қолаяпмиз. Устозларим ҳақида хотираларимни ёзиб қолдиришга улгуришим керак» деб безовталик билан гапирар, хотираларини сўзлаб берарди.

Кимлар бир-иккита шеърий тўплами чиқиб, тўртта одамнинг орасида номи тилга олинса, ўзи устозлик қиладиган, кимлар эса мансаб курсисини кўзлаб ҳаёт зинапояларида ўз устозини ҳам туртиб, суриб ўтиб бораётгани ҳақиқат бўлган дунё саҳнасида... орадан ярим аср ўтса-да, ўзи неча ўнлаб шоираларга мураббий, ижодда эса дўст бўлган Зулфияхонимнинг катта авлод ижод аҳли олдида ҳамон шогирдлик эҳтироми, масъулияти билан яшаши мени ҳайратга соларди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, турли давраларда ҳаётдан ўтган ёки орамизда бўлган ижодкорлар ҳақида ғуборли, ноўрин гаплар айтишдан ўзимизни асраймиз, гоҳида эса шайтоннинг йўлига юриб гуноҳга ботамиз. Аммо Зулфияхоним ижодкор шахси, обрўсига доғ туширишi мумкин бўлган сўз айтганини эшитмаганман. Айниқса, аёл ижодкор қалбини, номини жуда авайлар эди.

Бир куни кичик даврада вилоятлик шоиралардан бири ҳақида озгина ноўрин гап бошланиб қолди. Зулфия опа бирдан жиддийлашди, бир нарса ёқмаса ер остидан қараб қўярди. Ҳалиги суҳбат устознинг ишхоналарида — «Саодат» журнали муҳарририятида борарди.

— Биз шундай даргоҳда ишлаймизки, — деди Зулфия опа, — аёлларни тушунишимиз, уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишимиз керак. Агар бу иш қўлимиздан келмаса, бу ерда бирортамизга ўрин йўқ!

Ҳозир эсласам, Зулфияхоним бу гапи, талабини фаолияти давомида муҳарририятнинг ҳужжатларда қайд этилмаган, аммо ҳамма бўйсуниши шарт бўлган қонунига айлантирган экан. Чунки устоз қарийб ярим аср раҳбар бўлган «Саодат» журнали ўз даврида деярли барча ижодкор аёлларнинг илк қадамига оқ йўл тилаган, уни қўллаб-қувватлаган дўстга айланганди.

Бир-биридан ибратли воқеалар кўп. Яна бир ҳолат ёдимдан чиқмайди: 80-йиллар охирида, ошкоралик бетгачопарликка айланган даврда республикамиз журналларининг бирида беназир адиб Абдулла Қодирий ҳақида қисса босилиб чиқди. Унда Абдулла Қодирий тилидан Зулфияхоним билан Ҳамид Олимжон муҳаббатига соя ташлагувчи бир гап айтилган, уни ўқиркан Зулфия опа: «Ёзувчи мен билан Ҳамид Олимжон шаънига ноҳақ гап айтибди» деб хафа ҳам бўлмади.

— Абдулла Қодирий бунақа гапни айтадиган одам эмасди, — деди қисқагина қилиб устоз адиб шахсини яна ҳам улуғлаб.

### МЕН ЎТГАН УМРГА

*Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,*
*Мен ўтган умрга ачинмай куйдим.*
*Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,*
*Суйиш керак бўлса —*
*телбача суйдим.*

*Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,*
*Юрак бойлигидан қилмабман парво.*
*Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,*
*Янги қўшиқ талаб ҳар янги сабоҳ.*

*Мен ўтган умрга ачинмай куйдим,*
*Ҳеч кимда кўрмайин*
*умримга ўхшаш;*

*Суйдим,*
*Эркаландим,*
*Айрилдим,*
*Куйдим,*
*Иззат нима билдим,*
*Шу-да бир яшаш!...*



*Набираси Улуғбек билан.*

### БАХТИЁР СЕВГИНИ КУЙЛАРДИ СОЗИМ...

Ҳамид Олимжон билан Зулфияхоним муҳаббати, «Ўлим ханжари тегиб синган» бу муҳаббатга Зулфияхонимнинг бир умрлик садоқати эртакларда, афсоналарда бўладиган гўзал ишқий тақдирларнинг ҳаётга кўчишига ўхшайди.

Зулфия ўз тақдир юлдузига ўтган асрнинг 30-йилларида, Нодира номидаги педбилим юртида ўқиб юрганда юзма-юз келган. Ўшанда ўз даврининг истеъдодли ёш шоирлари сифатида таниқли бўлган Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон билим юртига учрашувга келишган экан.

— У пайтда биз шоирларни фақат ҳавас қилиб юрган ҳаваскорлар эдик,— деганди Зулфия опа.

Чин муҳаббатнинг ҳаётий достони муқаддимаси шундай бўлган экан:

30-йилларнинг бошида ёш ижодкорларни йиғиб ҳукумат вакили йиғилиш ўтказади.

— Нима бўлди-ю, мен шу йиғинга кечикиб бордим,— деб ҳикоя қилганди устоз. — Мажлис зали тўла одам, йўлакдан ичкарига қараб тургандим, ўтирганлар сурилишиб, битта бўш ўрин кўрсатишди. Мен ўша жойга бориб ўтирдим. Ҳаво совуқ эди, қўлимда пальтомни кийимхонага топширганимда берилган рақам. У пайтларда сумкача кўтариш урф бўлмаганлиги учун, рақамни у қўлимдан бу қўлимга олиб, ёзиш учун қулай вазият яратиш тараддудида эдим... Шу пайт ёнимдаги одам қўлимдан рақамимни олиб чўнтагига солиб қўйди. Бу — Ҳамид Олимжон экан.

Йиғилиш тугади. Кийимхонадан ҳамма ўз пальтосини олиб кетди, лекин мен нима қилишни билмай ҳайрон эдим. Чунки рақам ёзилган ҳалқача Ҳамид Олимжонда, у атрофда йўқ эди. Шу пайт ёзувчи Охундий келиб қолди. Мендан бу ерда туришимнинг сабабини сўради, мен айтдим. Охундийнинг ҳовлиси бизнинг кўчамизнинг ичкариғида эди. Кўпинча йиғинлардан уйга бирга қайтардик. Охундий Ҳамид Олимжон билан ҳам қадрдон эди. Шундай қилиб, менинг кийимхонада ёлғиз қолиб кетганим сабабини эшитган Охундий мийиғида кулиб қўйди-да, ҳар доим синглисидек ёнида олиб юрадиган одам мени ташлаб хайрлашиб кетди... Бир пайт Ҳамид Олимжон кулимсираб кириб келди. Мен унга «Ҳамма кетиб бўлди, ёлғиз ўзим қолдим» десам, «Мен борман-ку» деди кулимсираб. Ўша куни у биринчи марта кўчамизнинг бошигача кузатиб қўйди...

Ҳамид Олимжонни ижодкор, шахс сифатида кўп гапирарди, лекин муҳаббатнинг нозик туйғу, муносабатлари ҳақида берилган саволларга: «Бу — маним кўнгил бойлигим» деб ҳар кимга дастурхон қилавермасди. Аммо мушоҳадали, фаросатли ақл учун Зулфияхонимнинг йигирма тўққиз ёшида севган ёридан айрилиб, умрининг охиригача муҳаббатига, пок туйғуларига, фарзандларига садоқат, фидойилик билан ва яна энг муҳими, мана шу тақдирдан миннатдор бўлиб яшашидан ортиқроқ ишқ изҳорию достони бўлиши мумкинми?

### СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ

*Қалб бўлганда йироқда,*
*Ирода экан ожиз.*
*Дўстлар ҳам кўп атрофда,*
*Аммо мен якка-ёлғиз...*

*Бирдан қалбим кексариб,*
*Қон ҳам қочди юзимдан.*
*Сен — сирдошни ахтариб,*
*Хаёл кетар изингдан.*

*Қайга кетдинг, юрагим,*
*Битди бардош ва тоқат.*
*Суҳбатингдир тилагим,*
*Дилда ҳасратим қат-қат.*

*Кўпдир айтажак сўзим,*
*Ўгитларингга зормен,*
*Йиғлайсан, деб дўстларим*
*Таъна қилар. Нетай мен?*

*Совуш бермайди менга*
*Ёқиб кетганинг олов.*
*Нетай, етмайман сенга,*
*Ўртага ташланган ғов.*

*Ишққа маскан юрагим,*
*Топиб бер деб қистайди.*
*Нима қилай, бераҳм—*
*Руҳим сени истайди.*

### БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ...

Зулфияхоним таваллудини баҳорга эгизак этган Парвардигори олам қалбига, руҳиятига баҳорий гўзаллик, нозик ҳис-туйғуларни ҳам муҳаббат билан, ўзгача ихлос билан омухта айлаган эканми... Шоирнинг баҳор ҳақида шеърлари кўп.

Лекин бу сафар китобларини ўқир эканман, 1981 йилда ёзилган «Кел баҳор!» шеърига яширинган қалбни теранроқ ҳис этгандай бўлдим.

*Кел, баҳор, қуриган саҳрога*
*Илк ёмғир берар гулсимон, кел.*
*Айлатмай қон дилда сафрога,*
*Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!*

*Кел, баҳор, инқилоб сингари*
*Итқит қиш қобиғин*
*жонлардан.*
*Қуйма у дарзларни сингани,*
*Пайвандла энг жасур*
*ранглардан.*

*Сарғаймас баҳордек диёрим*
*Қадамин ларзасин*
*илғай мен.*
*Яшартиб бу қўҳна дунёни,*
*Довруғлар солганин билай мен.*

Юқоридаги сатрларга жо бўлган соғинч, интизор-интиқлик фақатгина баҳор соғинчи эмас, бу инқилобий баҳорни, ўз диёрининг қўҳна дунё салтанатидаги қадамлари ларзасини орзулаган, соғинган Зулфияхонимнинг энг эзгу тилаклари бўлса, ажабмас. Бу соғинч дарахти шоир қалбида, балким, миллатимизнинг зиёлиларини қирган, Зулфияхонимнинг акаси ҳам халқ душмани сифатида отиб ташланган 37-йиллар қатағонлари пайтида илдиз отганми... йигирма тўққиз ёшида суюкли ёридан бева қолиб, дардларини ҳижрон сатрларига тўкканида... Сен бахтиёр ҳаётни куйламаяпсан, деб катта минбарлардан танқид қилганларида, айблаганларида олам япроқлари каттарганми... балким, ҳақ сўзни айтиш орзуси, соғинчи... Ахир,

*Ҳуррият, келдингми,*
*наҳотки келдинг...*

деган сатрнинг жисму юрагидаги интизорлик, масъудлик, бахт бир умрлик соғиниб кутилган чин баҳор — инқилоб — эркка соғинчнинг ижобатидан шукрона эмасми?

*Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар;*

деб хотима ясайди Зулфияхоним ўзининг саксон ёшида яратган ажойиб «Хотира синиқлари» достонига.

...Айримлар учун ёзганларим анча чўзилиб кетгандай туюлиши мумкин. Аммо биз — шогирдлар зиммасида Зулфияхоним ҳақида авлодларга қоладиган ҳақиқатлар, гўзал хотираларни ёзишни кечиктирмаслик масъулияти ҳали шундоқ турибди. Зеро, бу ният билан қўлига қалам оладиганларнинг мақсади устоз номини ниқоб қилиб ўзига обрўталаблик эмас, балки миллатимизнинг шундай фарзанди бўлганлигидан фахру шукрона бўлса...

**Муҳтарама УЛУҒ,**
**Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими**

HUQUQ
yuridik gazeta
Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV
Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma Г — 260. 21760 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA
Sahifalovchi: X.HAMIDOV

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda